

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

“МЕНЕЖМЕНТ” КАФЕДРАСИ

“МЕНЕЖМЕНТ” ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ  
ТАЛАБАЛАРИ УЧУН

# БИЗНЕС РЕЖА

ФАНИДАН АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ  
БАЖАРИШ БЎЙИЧА УСЛУБИЙ КЎРСАТМА



НАМАНГАН - 2005

Ушбу услубий кўрсатма “Менежмент” таълим йўналишидаги талабалар учун “Бизнес режа” фанидан амалий машғулотларни бажаришда фойдаланиш учун тавсия қилинади.

Муаллифлар: Р.О.Исматов  
НамМПИ, “Менежмент” кафедраси мудири  
иқтисод фанлари номзоди, доцент

Д.Боймирзаев  
НамМПИ, “Менежмент” кафедраси  
ассистенти

Такризчилар: О.Абдуллаев  
НАМДУ, “Миллий иқтисодиёт ва бозор  
муносабатлари” кафедраси мудири, иқтисод  
фанлари доктори, профессор

Б.Шарипов  
НамМИИ, “Молия” факультети декани  
иқтисод фанлари номзоди, доцент

Услубий кўрсатма “Менежмент” кафедрасининг 2005 йил  
«\_\_»\_\_\_\_\_ даги №\_\_-сонли йиғилишида муҳокама қилинди ва  
маъқулланди.

Услубий кўрсатма институт илмий-услубий кенгашининг 2005 йил  
\_\_\_\_\_ даги йиғилишида кўриб чиқилди ва чоп этишга рухсат этилди.  
(Баённома № \_\_\_\_\_ )

## КИРИШ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, қўшма корхоналар тузиш, корхоналарни очиқ турдаги акциядорлик жамиятларига айлантириш, айниқса кичик ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга боғлиқдир.

Агарда жаҳон иқтисодиётида XX асрнинг биринчи ярмида ишлаб чиқаришни концентрациялаш, яъни йириклаштириш ҳолати кузатилган бўлса, унинг иккинчи ярмидан бошлаб эса тескари ҳолат, яъни кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда.

Сўнги пайтларда кичик ва ўрта бизнес ўзининг бир қатор афзалликлари туфайли ривожланган давлатларнинг иқтисодиётидаги салмоғи тобора ортиб бормоқда. Масалан, Япониянинг кичик корхоналарида барча мамлакат ишчиларининг 80 фоизи ишламоқда. Германия ва Нидерландиядаги кичик ва ўрта корхоналар ҳиссасига экспорт қилинаётган саноат маҳсулотининг 40% туғри келади. АҚШда эса сўнги 10 йил ичида кичик корхоналар эвазига 20 млн. янги иш жойи вужудга келтирилди.

Кичик ва ўрта корхоналарни ташкил этиш ҳамда ривожлантириш учун муҳим масалалардан бири улар фаолияти учун инвестициялар (шу жумладан, хорижий инвестициялар)ни жалб қилишдир. Бунинг учун керакли инвестицияларнинг самарадорлигини ҳар томонлама асослаб берувчи таклифлар ва хулосаларни ўзида мужассамлаштирган бизнес режа муҳим аҳамият касб этади.

Бозор муносабатлари ривожланган сари режанинг аҳамияти тобора ортиб боради. Бирон-бир ишлаб чиқариш, хусусан, тижорат ғоясини режасиз амалга ошириб бўлмаслиги хорижий ишбилармонлар аллақачон тушуниб етишган.

Бозор иқтисодиётида бизнес режа тадбиркорликнинг асосини ташкил этади, дейиш мумкин. У фирма раҳбарларининг ўз мақсадларига қандай эришишларини, қилинаётган ҳаражатларнинг қанча вақт ичида қопланишини, ишнинг даромадлигини қай даражада бўлишини асослаб беради.

## 1-мавзу: Қандай қилиб ўз ишимни бошлашим мумкин?

Шундай қилиб Сиз тадбиркор бўлмоқчисиз. Билингни, бу йўналиш ўзининг кучли ва кучсиз томонларига эгадир. Тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган тадбиркор учун бу фаолият ҳаёт мазмунига ва кўзлаган мақсадларига эришиш учун бир омил бўлиб қолиши зарурдир. Сиз раҳбар сифатида фаолият юритишингиз мумкин ва бу фаолиятдан Сизни ҳеч ким чиқара олмайди, лекин шундай ҳолатлар бўладики, Сиз бизнесдан четга чиқишингизга тўғри келиб қолиши ҳам мумкин. Сиз ўз фаолиятингиздан келган даромаддан ўзингиз фойдалана оласиз ва ўзингизга маош белгилай оласиз. Энг асосийси, Сиз ўз бизнесингизни бошламасдан аввал режалаштираётган фаолиятингиздан келадиган даромадни кўра билишингиз лозим.

Шунингдек, Сиз фаолият юритаётган бозорда, ўзингизнинг фаолиятингиздан, яъни товар ва хизматларни харидорларга етказишдан қониқиш ҳосил қилишингиз лозим.

Албатта, шуни таъкидлаш лозимки, агарда қўл остингизда ишчиларингиз бўлса, Сиз доимий равишда уларга ўз етакчилигингизни кўрсата билишингиз лозим.

Шунингдек, Сиз фаолият юритаётган бозорда, ўзингизнинг фаолиятингиздан, яъни товар ва хизматларни харидорларга етказишдан қониқиш ҳосил қилишингиз лозим.

Албатта, шуни таъкидлаш лозимки, агарда қўл остингизда ишчиларингиз бўлса, Сиз доимий равишда уларга ўз етакчилигингизни кўрсата билишингиз лозим.

Бундан ташқари, Сизнинг ҳисоб рақамингизда доимо кредиторларга тўлаш учун маблағ бўлиши шарт. Кредиторларингиз — Сизнинг маҳсулотларингизни сотган шахслар, диллерлар, сизни кўчмас мулк ва ускуналар билан таъминлаб турган шахслар, бирон шахснинг ери ёки ховли жойини ижарага олиб турган бўлсангиз ер эгалари, Сизни маҳсулотларингизни реклама қилаётган шахслар, солиқ органлари ва бошқалар бўлиши мумкин.



## **Мен нималарни амалга оширишим керак?**

Сизга, тадбиркорлик фаолиятингизни бошлашдан аввал бирон бир фикрга келиш учун иккита савол бериш лозимдир. (Ўзингизга мосини белгиланг).

### **1.Ўз ишимни бошлаш учун ҳозир қулай пайтми?**

- Янги имкониятлар пайдо булди.
- Мен мустақил бўлишни истайман.
- Менинг тажриба ва билим даражам ўзгарди.
- Ҳозирги дамда мен ишляпман ва мен ўз бизнесимни бошлашим мумкин.
- Мен ўзимга роҳат бағишлайдиган фаолият билан шуғулланмоқчиман.
- Менда ўз ишимни бошлашим учун "бриллиант" фикр мавжуд.
- Мен жуда кўп пул ишлаб топишни истайман.

### **2. Мен ўз бизнесимни юрита оламанми?**

- Мен турли хилдаги чақирикларни ёктираманми?
- Мен ўзгаришларни қабул қила оламанми?
- Агар улар кўп булсачи?
- Ўзгаларга маслаҳат бера оламанми?
- Ўзгаларга ишона оламанми?
- Мен қийин бўлган фикр ва ечимлар қабул қила оламанми?
- Менда юзага келган танг ҳолатларни ечимини топишга жасорат борми?
- Мен ўз ҳаётимга ўзгартиришлар киритишга тайёрманми?
- Оилам мени бу ишда қўллаб-қувватлайдими?
- Менда амалга оширмоқчи бўлган ишим учун етарли малака ва билим борми?

## Мен тадбиркор бўлсам, ҳаётимда юзага келадиган ўзгаришлар!


Келинг бир ўйлаб кўрайлик, Сизнинг ҳаётингизда ўзгаришлар юз бериши мумкин. Сиз ушбу ўзгаришлар билан қандай курашасиз ёки ушбу ўзгаришларга қай тарзда мослашасиз? Энг аввало, ўз ҳаётингиз давомида миллий услубга хос бўлган, кўрган ва ўрганган билимларингизни қанчалик ўзгартирган бўлардингиз?

### *Ўз ишингизни бошлаганингизда кунига неча соатдан меҳнат қилгансиз?*

Бизнесингизни тўлиқ ҳаёлдан чиқариб ташлаш жуда қийин, чунки сизнинг ҳаётингизда доимо бизнесингиз тўғрисидаги ўйлар айланиб юради. Лекин, ўз тажрибамдан келиб чиққан ҳолда айтишим мумкин, бизнесда кунига 12 соат самарали меҳнатдан ортиқ вақт бўлмайди. Мен ўз бизнесимни бошлаганимда кунига 12 соатдан ортиқроқ меҳнат қилардим. Ва бу ҳолат икки йилдан ортиқроқ вақт давом этган. Ҳозирги кунга келиб менинг иш жадвалим ҳар куни ҳар хилдир.

Баъзи вақтларда мен кунига 20 соат ишлашимга тўғри келади, баъзида эса 5 соат ҳам бўлиб қолади. Бу ерда инсон ўзига вақт ажрата олиши жуда муҳимдир. Ўзига вақт ажратиш орқали инсон ўзининг энергиясини тўлдириб боради, акс ҳолда ўзига эътибор бермаслик турли касалликларга ва қаттиқ чарчоққа олиб келиши мумкин.

Мирко Сакич  
"Гранд СМ"  
корхонаси-  
нинг бош  
директори



Ҳаётингизда юзага келиши мумкин бўлган ўзгаришларни ҳисобга олиб ушбу жадвалнинг ҳар бир қаторини 1) анъанавий иш услуби ва 2) Сиз ўз бизнесингизни очдингиз, асосида тўлдилинг.


<b>Мен тадбиркор бўлсам, ҳаётимда юзага келадиган ўзгаришлар</b>			
<b>Ҳолат</b>	<b>Миллий иш услуби</b>	<b>Менинг ўз бизнесим</b>	<b>Изоҳ</b>
Бошқарув			
Корхонанинг бошқарув экипажи			
Меҳнат хавфсизлиги			
Турмуш тарзи			
<b>Маош тўланадиган таътил</b>	3 дан 4 ҳафтагача, миллий байрамлар	Биринчи йили таътилсиз	
Нафақа режаси			
Мажбурият ва вазифалар			
Яшашнинг стандарти			
Стресс			
Меҳнат учун яратилган шарт-шароитлар			
<b>Иш вақти</b>	8:00 дан 16:00 гача, 1 соат тушлик	Кунига 12-16 соат, ҳафтасига 6 кун	
<b>Қониқиш</b>			

## Салоҳият ва имкониятлар

Энди Сиз ўз имкониятларингиз ва салоҳиятингиз тўғрисида ўйлашингиз лозим. Қуйидаги жадвалда аъло даражада фаолият юритаётган тадбиркорларнинг қатор сифат даражалари жамланган. Аммо биронта ҳам реал тадбиркор кўрсатилган сифат кўрсаткичларининг барчасига эга бўла олмайди. Ушбу жадвалдан фойдаланиб ўзингизнинг имкониятларингизни билиб олинг ва ўзингизда ушбу сифат кўрсаткичларининг қанчаси мавжудлигини аниқланг.

Ҳар бир сифатни инобатга олган ҳолда ва имкон қадар мисоллар билан ўзингизда мавжуд сифатларни тасвириллаб беринг. Агар имкони бўлса, дўстларингиз ёки оила аъзоларингиз Сизнинг турли жабҳалардаги сифат кўрсаткичларингизни таърифлаб беришсин. Бунинг учун жадвалдаги 1-дўст, 2-дўст устунларидан фойдаланинг. Бу каби кузатувлар орқали Сиз, ўзингиз билмаган кўплаб сифатларингизни билиб оласиз.

### Биринчи ушбу жавдални тўлдиринг



Қуйида Сизнинг шахсий қобилиятингизни аниқлаш учун тузилган жадвал келтирилган. Булар асосан ўз ичига инсоннинг 7 турдаги қобилиятини олган бўлиб, тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш билан узвий боғлиқдир.

Ўз-ўзингизни ва ёки бошқалар қуйида кўрсатилган мезонлар асосида Сизнинг қобилиятингизни баҳолашсин.

Шундан сўнг, ўзингизда мавжуд камчиликларни ва ўз бизнесингизни юритишингизда қайси томонларга урғу беришингиз лозимлигини билиб оласиз.

<b>Шахсий қобилиятларини аниқлаш жадвали</b>				
<b>Шахсий қобилият</b>	<b>Ёмон</b>	<b>Ўрта</b>	<b>Яхши</b>	<b>Изоҳ</b>
Самарали мулоқатда бўлиш	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	
Ўз-ўзига имкониятлар яратиш	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	
Ўзгаларни бошқариш ва йўналтириш	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	
Таваккалчиликларни кўра билиш ва уларни олдини олиш	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	
Маълумотлардан самарали фойдаланиш	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	
Ўз устида қаттиқ ишлаш	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	



Ўзга инсонлар билан ишлаш	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
---------------------------	--------------------------	--------------------------	--------------------------	--------------------------

<b>Менинг имкониятларим ва қобилиятларим</b>				
<b>Имкониятлар ва қобилиятлар</b>	<b>Ўзим</b>	<b>1-дўст</b>	<b>2-дўст</b>	<b>Изоҳ</b>
Амбициялар	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	
Эришган ютуқларим	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	
Тасдиқлар	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	
Хабардорлик	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	
Белгилаб олиш	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	
Чидамлилик	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	
Жонбозлик	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	
Мослашувчанлик	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	
Кечиримлилик	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	
Қаттиқ меҳнат қилиш	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	
Пул ишлаб топиш	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	
Ўз чегарасини билиш	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	
Оптимизм	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	
Ташкилотчилик	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	
Бардош	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	
Мустаҳкамлик	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	
Ижобий томонлар	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	
Сифатга бўлган эҳтиёжни аниқлай билиш	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	
Ўз-ўзига ишониш	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	
Ҳазил мутойибага бўлган сезги	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	
Ҳаётий куч ва чидам	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	
Мақсадга эришувчанлик	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	
Сезгирлик	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	

## **Бизнесни юритиш учун керак буладиган билим ва савия, шунингдек фаолият режаси**


Сиз ўз бизнесингизни бошлашингиз учун қатор сабаблар ва бизнесингизни аъло даражада юритишда қатор мажбуриятларингиз бўлиши лозим. Бунинг учун биз сизга шахсий фаолият режангизни тузишингизни тавсия этамиз. Қуйидаги жадвал орқали турли муаммоли бизнес шароитларда ўз билим даражангизни ва савиянгизни таҳлил қилиш имконият туғилади. Бу каби текширишлар натижаси ёмон чиққан тақдирда ҳам ҳавотир олишга ўрин йўқ, агар Сиз бизнесни юритишнинг баъзи муҳим томонларини билмасангиз уларни жуда тез ўрганса бўлади. Энг аввало сиз нима қилишингиз керак? Бизнесни юритиш учун қандай билим ва малака керак, бу билим ва малакани бизнес учун ва ўзингизнинг имкониятларингиз учун амалиётда қандай қуллаш олишингизни аниқлаб олишингиз зарур.

Бизнесни юритишингизнинг биринчи ойларида кўзлаган мақсадларингизга эришиш учун қандай билим ва малака талаб этилиши тўғрисида фикр юритинг. Ҳозирги дамда Сиз эътиборни фақатгина умумий ҳолатга қаратишингиз лозим. Ушбу жадвал Сизга ўзингиз учун устувор йўналишни белгилаб олиш, уни ривожлантириш ва албатта самарали иш юритиш учун жадвал тузишингиз учун зарур булади. Қуйида Сизга ушбу жадвалдан фойдаланиш бўйича мисол келтирилмоқда.

Эслатма:

•"1" устун маълум даражада аниқ билим ва малакага эга эканлигингизни кўрсатади;

•"2" устун Сизда мавжуд билим ва малакани кўрсатади, лекин уларни ривожлантириш лозим;



•"3" устун Сизда йўқ билим ва малакани кўрсатади, лекин булар сизга зарур

•"иш режаси"да зарур бўлган билим ва малакани қай тарзда эгаллашингизни ёзинг: ўқув курслари орқали, фаолият давомида, ўқиш ва китоблар орқали, уюшмалар ва бошқалар орқали;

•"муддат" устунида ўқув курсларни тамомлашни мўлжаллаётган вақтни ёзинг;

<b>Талаб этиладиган бизнес малака ва иш режаси</b>						
Малака	1	2	3	Муҳимлиги	Иш режаси	Муддат
Маркетинг	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>			
Бухгалтерия	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>			
Маҳсулот ва хизматларни сотиш техникаси	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>			
Бозорни ўрганиш	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>			
Реклама	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>			
Нарх белгилаш	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>			
Атроф-муҳитга зарар етказмасдан ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>			
Ҳуқуий жабҳалар	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>			
Ишчилар ҳуқуқи	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>			
Ахборот технологиялари	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>			
Банк тизими	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>			
Стратегик режалаштириш	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>			
Ўзгаларга тақдим этиш тажрибаси	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>			

## Улкан бизнес фикрлар


Атрофда бирон бир бизнес фикрни топиш истагида ва изланиш даврида билингки, булар қуйидагиларга асосланади:

- ишлаб чиқариш жараёни учун материал ёки бутловчи қисмларни харид қилиш ва тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш манзили;
- маҳсулотларни етказиб бериш жараёнида, кимдан маҳсулотларни харид қилиш, улгуржи сотувчиданми, қайта ишловчиданми ёки тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчиданми;

- ўзингиз истаган хизмат турларини амалга ошириш.

Эсингизда булсинки, яхши бизнес фикрлар бир-бирига ҳечам ухшамайди.

### Билингки, Сиз аллақачон яхши бизнес фикрга эгасиз!




Неча маротаба сиз ҳеч кимда йўқ ва магазинларда ҳам учрамайдиган маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳаракат қилгансиз?

Неча маротаба ўзингизга-ўзингиз "Мен бундан ҳам яхшироқ қила оламан" деб айтгансиз?



Неча маротаба ўзгаларнинг муаммоларига ечим топиб бергансиз?

Неча маротаба ҳаёлингизда бошқаларга қараганда яхшироқ хизматлар кўрсатишим мумкин деб ўйлагансиз?



### **Ҳар кунги ҳаётингизда фойдаланинг:**

- харидорлар истакларини ўрганиб тулинг?
- одамлар ва ташкилотлар нималарни харид қилишмоқда?
- улар нималарни хоҳлайдилар ва нималарни харид қила олмайдилар?
- улар нималарни харид қиладилар ва нималарни ёқтирмайдилар?
- улар қаерда, қачон ва қандай харид қиладилар?
- бундан ташқари уларга нималар керак, лекин улар бу нарсаларга эриша олмайдилар?

### **Ҳар доим сергак булинг:**

- юзага келадиган ўзгаришларга;
- бозордаги ўринларнинг кенгайишига;
- мавжуд маҳсулот ва хизматларнинг ўзгаришига.

### **Ўз бизнес фикрларингизни амалга ошириш учун Брейнстормнинг бизнес фикрларидан фойдаланинг.**

- Брейнсторм сизнинг дўстларингиз билан бирга;
- Одамлардан уларнинг фикрлари тўғрисида сўранг;
- Битта фикрдан иккинчи фикрни ёритишда фойдаланинг;
- Шу соҳага боғлиқ бўлган савдо журналларини ўқинг;
- Рекламаларни кузатиб боринг ва албатта ҳаёл суринг.

#### **Қандай қилиб ўз бизнесингизни танлагансиз?**

Илияс

Бжелополяк                      Мен студентлик давримдан электроника соҳасига  
"Байтфилдер"                    қизиқардим. Ушбу соҳани севганим учун бу омил менинг  
компаниясининг                электрон (компьютер) бизнесимни бошлашимга табиий  
бош директори                 туртки бўлди.



Бундан ташқари, бу фикрга каттик борланиб  
қолганимнинг яна бир сабаби компьютерлар ва турли




Сизнинг бизнес фикрингиз жуда ҳам кўлгили бўлсада хавотир олманг, балки уни қоғозга туширинг. Билинки, изланиш бу жуда мурракаб ишдир, уни бошлаб қўйинг ва ўзингиз кейинчалик олган натижангиздан ҳайрон бўласиз.

Сиз бу ишни қийин деб топдингизми? Сизга бир неча маслаҳат: миянгизга келган ҳар бир сўзни алоҳида-алоҳида ёзинг ва ҳар бир сўзнинг ҳарфига 6 дан 10 тагача фикрлар ёзинг.

Сиз буни жуда кулгили деб ўйлаяпсизми? Унда яхши, мен яна нима дейишим мумкин? Бу маслаҳатларим мен учун ишляпти!





## 2-мавзу: Бозорни ўрганиш

Энди Сизда ўз ишингизни бошлаш учун жуда ҳам жозибали бизнес фикр бор. Сизнинг кейинги қадамингиз, хақақатган ҳам ушбу бизнес фикр сизнинг бизнесингизни ривожланишига ёрдам берадими ёки йўқлигини аниқлашдир.

Бозорни ўрганиш ва билим даражангиз сизнинг бизнесингизни кейинги аҳволи учун жуда муҳимдир. Бу ерда оддий сўзлардан ташкил топган формулани келтириб ўтмоқчиман:

***Бозорни ўрганиш = мавжуд билим ва фактлар = яхши ва сабабли фикр қабул қилиш қобилитини = муваффақиятга эришиш учун улкан имкониятлар.***

Бозорни ўрганиш қийин масала эмас. Бу асосан тўғри саволларни тўғри вақтда керакли жойда сўраш ва тўғри жавоб олишга борлиқдир. Бозорнинг ўрганишнинг даражаси ва қийинлиги Сизнинг бизнес фикрингизга тўлиқ борлиқ. Яхши ўтказилган изланишлар натижаси шуни кўрсатадики, маълум бозор фақат Сизнинг маҳсулотларингиз учун яралгандир ва бу маълумотлар сизга ушбу бозорда керакли миқдорда маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишда кўмак беради.

Бундан ташқари, молиявий қўйилмалар ўсаётган даврда бозорни ўрганганингиз мавжуд қарз берувчилар олдида сизнинг фақат харидорлар ва уларнинг талабларига асосланиб фаолият юритаётганингизни кўрсатади.

### **Бозорни ўрганишнинг мақсадлари:**

•Бозордаги ҳажмларни ўрганиш: бирон бир маҳсулот ва хизматларни харид қилувчи одамларнинг сони;

•Бозорда Сизнинг улушингиз қай даражада бўлишини реал даражада баҳолай оласизми?



•Бозорни ўрганиш Сизнинг бизнесингизда сотувлар бўйича даромадлар қай даражада бўлишини намоён этадимиз?

**Сиз ўз бизнесингизни муваффақиятли юритишингиз учун қуйидаги саволларга жавоб беришингиз лозим.**

•Маҳсулот ва хизматларга талаб ўсиб/камайиб бормокда, Сиз нима қиласиз?

•Сизнинг харидорларингиз ким бўлади: тадбиркорлар, давлат органлари, аҳоли?

•Харидорларингиз сони ўсадими ёки камайиб борадими?

•Уларнинг таъсир қудрати нимада?

•Улар қаерда жойлашган?

•Харидорлар маҳсулот ва хизматлар учун тўловларни қай тарзда амалга оширади?

•Сиз улар билан қандай алоқа қиласиз?

•Сизнинг маҳсулотингиз ёки хизматларингиздан улар қандай фойда кутмоқдалар?

•Сотувлар даражасини қанчага етказишингиз мумкин?

•Рақобатчиларингизни биласизми? Бозорда Сиз билан рақобат қиладиган нечта компания бор?

•Улар қандай хизматлар таклиф қилишади?

•Харидорлар рақобатчиларингизнинг маҳсулот ва хизматларини қай тарзда қабул қилишади?

•Нима учун харидорлар Сизнинг маҳсулотларингиз ёки хизматларингизни харид қилишади?

•Биронта рақобатчингиз нотўғри қарорлар қабул қилиб ютказган давр бўлганми?

•Янги ёки доимий рақобатчиларингиз Сизга танилишни хошлашадими?

•Сиз қонунлар билан ҳисоблашасизми?

•Ўз ишингизни бошлаш учун Сизда қай йўсиндаги молиявий ёрдамга эҳтиёж бор?

•Ўз ишингизни самарали юритишингиз учун бирон маҳсус талабларга, малака ва тажриба ёки ускуналарга эҳтиёж борми?

Бошида бу гўёки кўплаб ахборотларни жамлаш бўлиб туюлади, аммо Сиз буларни кичик бўлимларга бўлсангиз, Сизда мавжуд ахборотлардан ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнини осонроқ бошқариш имкониятини туғдиради. Бу каби изланишлар жараёнида Сизнинг бизнесингизга тааллуқли бўлмаган саволлар туғилса Сиз уларни тушириб қолдиришингиз мумкин.

**Мирко Сакич  
“Гранд СМ”  
компаниясининг  
бош директори**

**Сизнинг бизнесингиз кўкка кўтарилиб  
кетиши ёки қулашига таъсир қиладиган муҳим  
омиллар нималардан иборат?**

Бизнесни ривожлантиришда яхши тадбиркорлик  
имкониятларини аниклай билиш ва ушбу

имкониятлардан фойдалана олиш қобилиятига эга бўлиш жуда муҳимдир. Бу каби имкониятлар доимо келавермайди.

Агар Сиз омадли тадбиркор бўлсангиз ва Сиз яхши бизнес имкониятларини кўра билиш қобилиятига эга бўлсангиз, ушбу имкониятларни кескин тарзда ўз фаолиятингизга мослаштириш устида қаттиқ меҳнат қилишингиз зарур.

Бундан ташқари, компаниянгиз ташқарисида жуда ҳам кенг алоқалар тизими бўлиши шарт. Булар сирасига, тадбиркорлар, давлат идоралари, экспертлар ва бошқалар билан бўлган алоқаларни таъкидлаб ўтиш мумкин. Қисқа қилиб айтганда, ривожланишга таъсир қиладиган омиллар сирасида яхши бизнес имкониятлари, қаттиқ меҳнат ва кенг алоқалар тизими бўлиши шарт. Буларнинг барчаси сизни керакли ахборотлар билан таъминлаб келади, бу эса ўз навбатида бизнесингиз ривожига кескин таъсир қиладиган омиллардир.

## **Бозорни ўрганишнинг мақсадлари**

Бозорни ўрганиш мақсадлари жадвалидан фойдаланиб бозорни ўрганишдаги муҳим мақсадларингиздан бир нечасини ёзинг. Бу турдаги ёзувлар Сизни ўрганишни бошлашдан олдин эътиборни нималарга қаратиш лозимлигини кўрсатади.

Қуйида "Gardens-To-Go" компаниясининг мисолида бозорни ўрганишнинг баъзи жиҳатларини кўрсатишга ҳаракат қиламиз:

- боғдорчилик соҳасида тажрибага эга киши;
- ўз автомобили ва боғдорчилик анжомларига эга;
- тадбиркорлик фаолиятини ўз офисидан 20 км. атрофида бўлган харидорлар билан ишлашдан бошламоқчи;
- боғни кўркамлаштириш ва доимо ўша ҳолатда ушлаб туришни хоҳлайди.

Ушбу мисолни ўрганиб, ўзингизнинг тадбиркорлик йўналишингиз учун бозорни ўрганиш мақсадлари жадвалини тўлдилинг.

**"Gardens-To-Go" компаниясининг  
бозорни ўрганиш мақсадлари**

Компанияни ташкил қилиш учун 20 км. атрофида боғларни режалаштириш, уларни ўрнатиш, ташкил қилиш ва доимий равишда яхши ҳолатда сақлаб туриш учун бозорнинг мавжудлиги;  
Ушбу бизнес, бизнес эгасини ва бир ишчини доимий равишда иш билан банд қилишга қодирми ёки йўқлигини аниқлаш;

Нарх белгилаш;

Рақобатчиларни аниқлаш;

Бошқа талаб этиладиган хизматларни аниқлаш;

Бозорни ўрганиш усуллари аниқлаш.

### **Бозорни ўрганишдан мақсадларим**



### **Мавжуд маълумотлардан фойдаланиб ўтказиладиган изланишлар**

Мавжуд маълумотлардан фойдаланиб ўтказиладиган изланишлар - бу чоп этилган маълумотлардан фойдаланишдир. Бу каби изланишларнинг аксариятини, бизнесни давлат томонидан маслаҳат билан қўллаб-қувватлаш хизматлари, интернет, бизнесга таалуқли журналларни ўқиш, кутубхона, бизнес мактаблар ва иқтисодий статистик институтларга ташриф буюриш орқали амалга ошириш мумкин.

Мавжуд маълумотлардан фойдаланиб ўтказилган изланишлар натижаси жадвалидан фойдаланиб ўз фикрларингизни ёзинг.

<b>"Gardens-To-Go" компаниясининг мавжуд маълумотларидан фойдаланиб ўтказган изланишлари</b>
20 км. атрофида 4500 та хусусий уйлар мавжуд;
20 км. атрофида 45 та ҳукумат бинолари мавжуд;
кейинги 4 йил давомида яна 575 та хусусий турар жойларни куриш режалаштирилган;
худудда боғдорчилик ишлари билан шуғулланадиган ягона марказ мавжуд;









## Рақобатчиларни ўрганиш

Ўзингизнинг рақобатбардошлилигингизни аниқлашда энг асосийси, Сизнинг рақобатчиларингизнинг маҳсулотлари, улар томонидан кўрсатилаётган хизмат турлари ва нархлари тўғрисида тўлиқ маълумотларни аниқ билишингизга ишонч ҳосил қилишингиздадир. Ўрганиш жараёнида шу нарсани ҳам аниқлангки, рақобатчиларингиз кўрсатаётган хизматлари учун чегирмалар жорий қилганми ёки йўқ, тўловлар тизими қандай йўлга қўйилган. Шунингдек, уларнинг мутахассисларини ўрганинг, мутахассислари малакалими ёки йўқ, уларнинг бир-бири билан алоқалари дўстонами, бир-бирига ёрдам беришадими ёки йўқ? Рақобатчиларингиз томонидан нашр этилган брошюра ва буклетлар, хизмат турлари ва нархлари тўғрисидаги маълумотлардан нусха кўчириб олинг. Уларнинг бир неча харидорлари билан ҳам учрашиб суҳбатлашинг. Хуллас, рақобатчиларингиз тўғрисида тўлиқ маълумотларни олишга ҳаракат қилинг.

Қуйида рақобатчиларни ўрганиш жадвали келтирилган. Ушбу жадвалдан ўзингизнинг изланишларингизда фойдаланишингиз мумкин.

### **"Gardens-To-Go" компанияси томонидан рақобатчиларни ўрганиш натижалари**

1-рақобатчи компания	1.Шахсий манзилгоҳидан туриб фаолият юритади. 2.Ўзларининг катта юк автомобилига эга, лекин боғдорчилик ускуналари эскириб кетган. 3.Кўрсатган хизматларини нархлаш учун 3 ҳафтагача вақт
----------------------	---







### **Бизнесингизни жойлашишида қандай муҳим омиллар ўрин эгаллайди?**

Тадбиркорлик фаолиятининг жойлашуви қатор бизнес турлари турлича ва ўта муҳимдир. Масалан, меҳмонхоналар, чакана савдо марказлари ва бошқаларнинг самарали фаолият юритишлари учун улар жойлашган ҳудудда аҳоли жуда зич жойлашган бўлиши, йўл ҳаракати юқори бўлиши ва бошқа омилларнинг бўлиши шарт. Аммо ишлаб чиқариш шароитига келадиган бўлсак, муҳим омиллардан бири бу ишлаб чиқаришининг хом ашё ресурсларига яқин бўлишидир. Албатта бундан ташқари ишлаб чиқариш корхонаси электр тармоғи, оқава сув, автомобил ва темир йўллари ва бошқа инфратузилмаларга чиқиш имконияти бўлиши муҳимдир.

### **Ўз бизнесингизни бошлашингизда ўз бизнес режангизни ишлаб чиққанмисиз, уни доимий равишда янгилаб борасизми?**

Мен амалга ошираётган ишларнинг барчаси жуда ҳам мукамал ўйлаб чиқилган режалардан иборатдир. Бундан ташқари, яхши бизнес режанинг муҳим қисмларидан бўлган маҳсулот, бозор, молиявий аҳвол ва бошқа омилларни доимий равишда таҳлил қилиб бораман. Мен дамба-дам режани кўриб чиқишни ва маълум вақт мобайнида режада кўрсатилган ишларнинг қай бири бажарилганлигини таҳлил қилишни ёктираман. Бу нарса мен учун жуда муҳимдир, чунки ўтмишда режалаштирилган ишлар ҳозирга келиб амалга оширилганлигини кўриб одам роҳатланади.

### **Сиз бизнес режани ўзингиз ўзгартириб ва мукаммаллаштириб борасизми ёки бу ишни сиз учун консалтинг фирмаси амалга оширадими?**

Бизнес режани ўзгартириш, яъни уни мукаммаллаштиришни ўзим ва дўстларим кўмагида амалга ошираман.

**Зарко Гугич**  
**“Позк”**  
**компаниясининг**  
**бош директори**



## Маълумот ва ахборотларни таҳлил қилиш

Сиз юқорида келтирилган таклифлар асосида фаолиятингизни йўлга қўйган бўлсангиз, табиийки изланишларингиз даврида, айниқса бозорни ўрганиш бўлимида ўзингизни қизиқтирган қатор саволларга жавоб олгансиз.

Эндиги босқичда изланишлар давомида олган жавоб ва маълумотларингизни қуйидаги мақсадлар билан солиштиринг. Шундан сўнггина, бизнесингизни самарали ёки самарасиз бўлишлигини башорат қила оласиз ва сўнгра ўз хулосаларингизни ёзинг.

Қуйидаги мисолни диққат билан ўрганиб чиқинг ва бозорни ўрганиш бўйича хулосалар жадвалини ўз бизнесингизга асосланган ҳолда тўлдиринг.

<b>"Gardens-To-Go" компаниясининг бозорни ўрганиш бўйича хулосалари</b>	
Иш кучи	Асосан ушбу бизнес тури қайта-қайта хизмат кўрсатишга асосланган. Бу соҳада 2 киши фаолият кўрсатиши kifоядир.
Иш вақти	Икки киши ҳафтасига 30 соат ишлаш, 10 соат йўлга сарф қилиш, ҳафтасига 60 соат давомида ва соатига 10 АҚШ долл. миқдорида ҳақ тўланадиган кўркамлаштириш қувватига эга.
Ҳаридорлар билан ишлаш	Изланишлар давомида олинган ижобий фикрлар шуни кўрсатадики, компания ишчилари ҳафтасига 260 соат ишлаш имкониятига эга. Ўз харидорлари билан ишни бошлаган кундан ишлаш бошлаб ҳафтасига 80 соат уларнинг

	эътирозларини кутиши хам мумкин.
Компаниянинг жойлашуви	Компания тижорат компаниялари зич жойлашган ҳудудда жойлашганлиги ва фаолият юритаётганлиги учун хафтасига жойлашуви доимий равишда 4 соат иш билан таъминланади.
Янада кўпроқ хизматлар кўрсатиш учун мавжуд имкониятлар	Кўчат ва хизматлар сотишдан доимий равишда фонда олиш имконияти мавжуд. Шахсий уйларда экилган кўчатларни кўллаб-қувватлаш ва уларни назорат қилиб туришдан доимий равишда даромад олиш имконияти мавжуд.
Кўрсатиладиган хизматлар нимага қаратилиши лозим	Бизнесим жойлашган ҳудудда бизнесимга таалукли йўналишларда баъзи бўшлиқлар пайдо бўлиб қолди. Ушбу бўшлиқларни амалга ошираётган фаолиятим орқали тўлдириш имконияти мавжуд. Буларни амалга оширишда муҳим элементлар қуйидагилар: - ишончлилиқ; - яхши малака; - очиқ-ойдинлик; - нарх.

<b>Сизнинг бозор изланишларингиз натижалари</b>	
Иш кучи	
Иш вақти	
Харидорлар билан ишлаш	

Компаниянинг жойлашуви	
Янада кўпроқ хизматлар кўрсатиш учун мавжуд имкониятлар	
Кўрсатиладиган хизматлар нимага қаратилиши лозим	

**Бозор изланишларидаги кучли ва кучсиз томонлар,  
имконият ва таҳдидлар тўғрисидаги таҳлиллар  
(SWOT Analyses)**

Ўз хулосаларингизни ёрқин ёритиш йўлларида бири бу **SWOT** таҳлилидир. Сизнинг таҳлил ва изланишларингиз тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда ўтказилиши лозим. Булар Strengths — кучли томонлар, Weaknesses — ожиз, кучсиз томонлар, Opportunities — имкониятлар, Threats — тўсиқ ва таҳдидлар.

Бу каби изланиш ва таҳлиллар сизнинг эътиборингизни асосан компаниянгизнинг кучли томонларига ва мавжуд имкониятларига қаратишга, шунингдек компаниянгизнинг кучсиз ва ожиз томонлари тўғрисида ўйлашга мажбур қилади. Кучсиз ва ожиз томонлар — бу оддий муаммолар ҳам бўлиши мумкин ва буларни Сиз осонлик билан ҳал қилишингиз мумкин. Таҳдид эса ҳар томондан бўлиши мумкин ва бу ҳолат асосан корхонангизга рақобатчи компаниялар томонидан амалга оширилиши кўп ҳолларда учрайди. Бу ҳолатда, Сизнинг ожиз томонларингиз тўғрисида рақобатчиларингиз маълумотга эгами, агар улар ожиз томонларингиз тўғрисида маълумотга эга бўлишса, Сизга қарши қандай режалар тузишаётган бўлиши аниқлаб олишингиз лозим.

Қуйида SWOT таҳлилларини амалга ошириш бўйича мисол келтирилган.

## "Gardens-To-Go" компаниясининг SWOT таҳлиллари

Кучли томонлари	<ul style="list-style-type: none"><li>• Бозорни яхши билиши;</li><li>• Жуда ҳам яхши бизнес худуд;</li><li>• Арзон сарф-ҳаражатлар;</li><li>• Бошқалар.</li></ul>
Ожиз, кучсиз томонлар	<ul style="list-style-type: none"><li>• Илгари тадбиркорлик фаолиятида мустақил ишлаш тажрибаси бўлмаган;</li><li>• Якка тартибдаги тадбиркор - ёрдамчилари йўқ;</li><li>• Фаолияти қисқа иш фаслига эга;</li><li>• Бошқалар.</li></ul>
Имкониятлари	<ul style="list-style-type: none"><li>• Рақобатчиларнинг озлиги;</li><li>• Потенциал харидорларнинг ўсиши - янги турар жойларнинг қурилиши;</li><li>• Турли хизматлар кўрсатиш имконияти мавжудлиги;</li><li>• Бошқалар.</li></ul>
Таҳдид ва тўсиқлар	<ul style="list-style-type: none"><li>• Бошқа компаниялар агрессивроқ бўлиб боришмоқда;</li><li>• Умумий иқтисодий ҳолат;</li><li>• Таҳдид ва тўсиқлар;</li><li>• Об-ҳавонинг ўзгариши;</li><li>• Транспорт воситаларининг аҳволи,</li><li>• Бошқалар.</li></ul>

## Сизнинг SWOT таҳлиллари

Кучли томонлари	
-----------------	--

Ожиз, кучсиз томонлар	
Имкониятлари	
Таҳдид ва тўсиқлар	

### **Тадқиқот ва изланишларни ўтказиш, харидорларнинг талаб ва истаклари**

Бозорлар доимий равишда ўзгариб туради, эртага кечаги бозор умуман бошқача бўлиши мумкин. Сиз доимо келажакни ўйлаган ҳолда ва доимий равишда бозор тадқиқотларини ўтказиб боришингиз лозим. Бунда асосан ўз харидорларингизнинг талаб ва истакларини аниқ билиб олишингиз талаб этилади. Оладиган маълумотларингизга ҳаққоний равишда ёндашсангизгина, ўзингизга керакли бўлган маълумотларга эга бўласиз. Ўз изланиш ва тадқиқотларингизни бизнесингизни юритиш бўйича йўриқнома сифатида қабул қилинг, бу эса ўз навбатида "бозор талабларига асосланган бизнес"га айланади ва бизнесингизни муваффақиятли бўлишини таъминлайди.





**Йонус Икич  
“Илиджански  
Дижамани”  
компаниясининг  
бош директори**

**Ўз бизнесингизни бошламасдан аввал бозорнинг  
имкониятларини қай тарзда аниқлагансиз?**

Бизнесимни бошламасдан олдин биз 6 ой давомида бозор тадқиқотларини амалга оширганмиз. Олти ой давомида биз нима қилдик? Биз минерал сув сотадиган барча улгуржи ва чакана савдо компаниялари ва шаҳобчаларидан минерал сувнинг сотувлари ҳажми

тўғрисида маълумотлар тўпладик.

**Франко  
Ражкович  
“Иқтисодиёт  
компаниясининг”  
бош директори**

**Ўз бизнесингизни бошламасдан аввал бозорнинг  
имкониятларини қай тарзда аниқлагансиз?**

Бошланишида, ҳамма нарса ўз-ўзидан бўлаверарди ва мен ўз ҳис-туйғуларимга асосланиб иш юритардим. Аммо, бугунги кунга келиб, ҳар бир янги лойиҳани амалга ошириш ва уни ривожлантиришдан олдин биз албатта бозорни ўрганишни ташкил қиламиз.

### **3-мавзу: Бозорни урганиш режаси**

Бизнесни юритишдаги энг қийин соҳалардан бири бу аралаш тарзда бозор изланишларини ташкил қилиш. Бозорни ўрганиш учун сарф қилган вақтингиз бизнесингизда муҳим ўрин тутаяди. Аралаш бозор изланишлари — бу фаолият турларининг оддий усули бўлиб, харидорлар қўлига Сизнинг маҳсулот ва хизматларингизни топшириш жараёни билан биргаликда содир бўлади. Бу жараён ўз ичига маҳсулот ёки хизматларни, уларнинг нархини, реклама ва кейинчалик бозорда тарғиб қилиниши, қадоқланиши, харидорларга етказиб берилиши ва бошқаларни ўз ичига олади.



### Ўз харидорини топа билиш

Сиз, бозор тадқиқотларингиз орқали компанияннгизнинг бутун бозорда тутган ўрнини аниқлаб олдингиз. Бундан сўнг эса бозорда ўз ўрнингизни кенгайтириш мақсадида, бозорда фаолият юритаётган шаҳобчаларингизни янада кенгайтириш йўллари қидирасиз. Бу эса ўша майда шаҳобчаларингизга янада кўпроқ масъулият ва мақсадлар белгилаб беришга олиб келади. Сиз улардан ўзингиз амалга ошираётган тадбиркорлик соҳасига фойда келтириш жараёнини аниқлашда фойдаланасиз ва бозорда олиб бораётган сиёсатингизнинг самаралилигига ишонч ҳосил қиласиз.

Сиёсатингизнинг самаралилигини аниқлаш йўлларида бири — бу маҳсулот ва хизматлар сотуви жадвалини тузишдир. Бунинг учун "GARDENS-TO-GO" компаниясининг мисолига қаранг. Бу ерда биз жадвал тузиб потенциал харидорларни жадвалнинг юқори қисмига жойлаштириб чиқдик. Маҳсулот ва хизматлар жадвалнинг чап томонидаги каттакларига жойлаштирилди. Кейинчалик ушбу жадвалнинг катакларини сотувлар ҳажмининг фоиз ҳисобидаги кўрсаткичлар билан ёки режалаштирилаётган сотувларнинг нақд пул ҳисобидаги кўрсаткичлар билан тўлдириб чиқилади.

<b>"Gardens-To-Go" маҳсулот ва хизматларнинг сотиш жадвали</b>						
Маҳсулотлар/ харидорлар	Кириш жойи	Турар жойни ташқи тарафи	Турар жойни ички тарафи	Тижорат компаниялари	Байрам кунлари	Сарик варақлар
Манзара яратиш						
Манзарани жорий тарзда ушлаб туриш						

Кўчатларни сотиш						
Бошқалар						

<b>Маҳсулот ва хизматларимизнинг сотиш жадвали</b>						
Маҳсулотлар/ харидорлар						

**Тўртта "P"**  
*(Product — маҳсулот, Place — жой,  
Price — нарх, Promotion — тарғибот)*

Муваффақиятга эришиш учун Сизнинг тadbиркорлик фаолиятингиз ажралиб туриши ва рақобатчиларингизникидан тубдан фарқ қилиши лозим. Бу каби фарқлар Сизнинг маҳсулотингиз ёки хизматингизда, маҳсулот ва

хизматларингизнинг нархларида ёки қай тарзда маҳсулот ва хизматларингизни сотишингиз ва тарғиб қилишингизда бўлиши мумкин.

Сиз ушбу элементларнинг барчасини доимо бошқариб назорат қилиб боришингиз керак. Сиз маҳсулот ва хизматларингизни янада жозибалироқ ва харидорлар эътиборини тортадиган бўлиши учун уларни доимий равишда ўзгартириб боришингиз мумкин.

Қуйида Тўртта "P" ни келтирмоқдамиз.

**Product** Сизнинг маҳсулотингиз ва хизматларингиз тўғрисидаги барча маълумотлар.

**Place** бозорга кириб бориш имкониятлари.

**Price** сотувлардан келадиган тушумни максималлаштириш.

**Promotion** ўз харидорларингиз билан қай тарзда алоқа қилиб борасиз.

Биз, қуйида ушбу тўрт йўналишнинг барчасини таҳлил қиламиз. Сиздан буларнинг барчасини аниқлаш ва ундан сўнг ўз маҳсулот ва хизматларингизни харидорлар максимал даражада таъсир қилиши бўйича маълум йўналиш белгилаб олишингиз талаб этилади. Биз буларни амалга ошириш орқали сизнинг рақобатбардошлигингизни оширишга интилоқдамиз.

<b>Тўртта "P"</b>	<b>Нима маънони англатади?</b>	<b>Ўз ичига нималарни қамраб олади?</b>
-------------------	------------------------------------	---

Маҳсулот	Якка ҳолатга маҳсулотлар, маҳсулотлар тизими ёки хизматлар	Ўз ичига кўриниши, қўшимча қисмлари, ўрнатиш, йўриқнома, хизмат, кафолат, кадоқлаш ва маркани қамраб олади.
Жой (сотиш жойи)	Маҳсулотни харидорга етказиш	Ўз ичига каналлар, тарқатиш тизими, даллоллар, омбор, ишлаб чиқариш ва жўнатишни қамраб олади
Тарғибот қилиш	Харидорлар билан алоқа қилиш	Ўз ичига якка тартибдаги харидорларга сотиш, улгуржи сотиш, сотувларни тарғиб қилиш, сотувчилар, реклама ва бошқаларни қамраб олади.
Нарх	Харидорларни қониқтирадиган ва компанияга фойда келтирадиган нархларни белгилаш	Ўз ичига эгилувчан нархлар, даражали нархлаш, дастлабки нархлаш, чегирмаларни қамраб олади.

## Маҳсулот ва хизматлар

### *(Product and Services)*

Таклиф қилаётган маҳсулот ва хизматларингиз тўғрисида мукамал ўйланг ва тўғри қарор қабул қилинг. Сиз харидорларни хоҳишини билишингиз ва буни кўра билишингиз шартдир. Ўз маҳсулотларингиз ва хизматларингизга

харидорларнинг назари билан қаранг, шундагина Сиз уларнинг хоҳиш ва истакларини англаб етасиз.

•Сиз харидорларингизнинг хоҳишига мос маҳсулот ва хизматлар тақдим этаяпсизми?

•Сизнинг маҳсулот ва хизматларингизда харидорларингизга ёқадиган қандай хусусиятлар мавжуд?

•Маҳсулот ва хизматларингизда рақобатчиларингизнинг маҳсулот ва хизматларида йўқ хусусиятлар мавжудми?

•Маҳсулотингизни сотувларида ўхшаши йўқ тарафи ва жиҳати нимада?

•Маҳсулотингизнинг сифати сотиш даврида қандай ўрин тутди?

•Маҳсулотингиз ўзининг машҳур номига эгами?

•Маҳсулотингиз ўзига жалб қиладиган даражада қадоқланганми?

•Маҳсулотингизга қафолат берасизми?


•Ҳаридорларингизга сотиш даврида яхши хизмат кўрсатасизми ва бошқалар?

<b>"Gardens-To-Go" компаниясининг хизматлари ва маҳсулотлари</b>	
<b>Биз хизмат кўрсатувчи компаниямиз</b>	Биз боғни безашни режалаштирамиз ва кўзланган жойга ўрнатамиз. Биз безашни бошланғич даражада сақланиб қолишини таъминлаймиз.
	Биз ўз ишларимизнинг суратларини таклиф этамиз.
	Бизда яхши ускуна ва транспорт воситалари мавжуд.
	Биз озода, тоза ва ўзига жалб қилувчи махсус кийимларда меҳнат қиламиз.
	Биз аъло даражадаги хизматларни таклиф қиламиз.
<b>Лекин биз маҳсулотлар ҳам етказиб берамиз</b>	Биз кўчатлар, ускуналар, кичик ҳажмларда тупроқ, уруғлик, ўғит ва бошқа нарсаларни сотамиз.



<b>Компаниянгизнинг хизматлари ва маҳсулотлари</b>	
<b>Биз ..... компаниямиз</b>	
<b>Лекин ..... хам етказиб берамиз</b>	

Маҳсулотингиз тўғрисида жадвални яқунлаганингиздан сўнг Маҳсулот ва хизматлар сотуви жадвалига қайтинг ўз маҳсулот ва хизматларингизни чап тарафга ёзиб чиқинг. Бундан сўнгра ҳар бир хизматингиз ва маҳсулотингизни турли ҳаридорларга сотишдан кутилаётган натижа (ҳажмларни) ёзиб чиқинг.



**Манзил**

*(Place)*



Бозор изланишлари Сизнинг харидорларингиз қаерда жойлашганлигини аниқлаб бериши лозим. Харидорларингиз Сизникига ўхшаш маҳсулот ва хизматларни қандай, қаерда, нима учун ва қачон харид қилишлари тўғрисида ўйлаб кўринг. Буларни ўрганиш, сизга маҳсулотларингизни тўғридан-тўғри харидорларга, ўртадаги даллоллар орқали ёки электрон почта ва Интернет орқали сотишингизни белгилаб беради.

Бу таҳлил ва ўрганишлар маҳсулот ва хизматларингизни сотиш ва харидорга етказиб бериш жараёнида Сизга ёрдам беради. Бу ҳолатда эътиборни ҳар бир элементга қаратиб, олиб бораётган фаолиятингиз бир текис, самарали кечаётганига ишонч ҳосил қилишдан иборатдир. Қуйида келтирилган мисолни ўрганиб, бизнесингиз жойлашган ҳудудни олиб бораётган сиёсатингиз билан таққослаган ҳолда таҳлил қилинг.

<b>“Gardens—To-Go” компанияси манзилиги ўрганиш жадвали</b>
Кўпчилик харидорлар маҳсулот ва хизматларни, ўзлари яшаб турган жойда ёки фаолият юритаётган ҳудудларида қабул қилишади.
Пейзажларни режалаштириш харидорларнинг турар жойларида ёки фаолият юритадиган офисларда амалга ошириш билан биргаликда, бизнинг офисимизда ҳам дастлабки режалаштириш ни амалга ошириш имконияти мавжуд.
Харидорларнинг уй жойларига осон кириш таклиф этилади.
Кўчатлар, ускуналар, уруғ ва бошқа маҳсулотлар корхона манзилидан туриб сотилади, шунингдек автотранспорт ёрдамида етказиб берилади.
Бошқалар



## Тарғибот ва ташвиқот

Сиз дунёда энг зўр маҳсулот ва хизматлар кўрсатувчи бўлишингиз мумкин, аммо бу ҳақда харидорларингизнинг хабари бўлмаса, бозорда ўз маҳсулот ва хизматларингиз билан узоқ фаолият юрита олмайсиз.

Тарғибот ва ташвиқот - бу Сизнинг мавжуд ва келажакда режалаштираётган харидорларингиз билан мулоқотдир. Бу фаолият рекламадан ҳам муҳимроқдир.

Қуйида тарғибот ва ташвиқотни ташкил қилувчи тахминий омиллар келтирилган:

- нашр этилган материаллар, яъни каталог, брошюра, буклетлар;
- ташриф қоғозлар;
- оммавий ахборот воситалари ва жамоат билан алоқалар;
- шахсий тавсияномалар;
- турли шаклдаги реклама;
- кўргазма ва ярмаркалар;
- маҳсулот ва хизматларнинг намоишлари;
- қадоклаш ва ном;
- тўғридан-тўғри нома алмашинувлари;
- ИНТЕРНЕТ;
- тарғибот ва чегирмалар;
- шахсий алоқалар.

### "Garden-To-Go" компаниясининг тарғибот жадвали

•Барча тарғибот маҳсулотлари алоҳида кўринишга ва профессионал режага эга бўлади.

•Компаниянинг логотипи барча маҳсулотларга қўйилади.

•Харидорларнинг мурожатлари корхонанинг офисида ёки иш жойининг ўзида қабул қилинади.

•Корхонанинг интернетдаги сайти ташкил қилинади ва ундаги маълумотлар ҳар икки ҳафтада янгиланиб боради.

•Махсус таклифлар уларнинг муҳимлигига қараб баҳоланади.

•Бизнес мижозлар тўғридан-тўғри кўнғироқ қилиб боғланишлари мумкин.

•Барча тарғибот маҳсулотлари алоҳида кўринишга ва профессионал режага эга бўлади.



## **Нарх (Price)**

Жуда ҳам кўп ҳолатларда, янги тадбиркорлар маҳсулот ва хизматларига осонгина нарх белгилайдилар. Яъни, улар белгиланган фойда улушини маҳсулотнинг таннархига кўшадилар ва бу маҳсулотни сотишдаги энг мақбул нарх деб ўйлайдилар. Бу нотўғри!

Нарх белгилаш фойда олиш жараёнида жуда ҳам муҳимдир. Яъни нарх белгилаш орқали, харидорларингиз маҳсулот ва хизматларингизни харид қилганда оғринмай ўша нархни тўлашларига эришишингиз зарур.

Фаолият юритаётган бозорингизда маҳсулот ва хизматларингиз учун кўпроқ кўшимча қиймат кўшсангиз ҳам хизмат ва ишлаб чиқараётган маҳсулотларингизнинг сотилишига эришишингиз мумкин.

Харидорлар, агар Сизнинг маҳсулот ва хизматларингиз сифатли бўлса керагидан ортиқроқ нарх тўлашлари ҳам мумкин.

Бу ерда ҳеч қандай стратегия йўқ, лекин Сиз қуйидагиларга эътибор беришингиз керак:

- нарх;
- ишлаб чиқариш ёки хизматлар ҳажми;
- маҳсулот ва хизматларни етказиб бериш нархи;
- рақобатчиларингизнинг нархлари;
- маҳсулот ва хизматларингизни етказиб беришда турли чегирмалар тизимини жорий этиш;

Бизнеснинг олтин қондасини келтирмоқчимиз. ***Бу — ҳеч қачон янги маҳсулотни арзон нархларда сотишни тўхтатманг, бундай ҳолатда мавжуд харидорлар учун янги нархни қўлда тутиб туриш қийин.***

Нарх жадвали Сизни нарх белгилашдаги стратегиянгни юритишда ишлатилади.

**Қуйидаги мисолни ўрганинг.**

<b>"Garden-To-Go" компаниясининг нарх жадвали</b>
Пейзаж режалаштириш соатига 20 АҚШ долл. ташкил қилади. Харидорларга маслаҳат беришдаги биринчи соат бепулдир.
Пейзажни ўрнатиш ва уни мавжуд ҳолатда ушлаб туриш соатига 10 АҚШ долл. ташкил қилади.
Пейзажни ўрнатишда фойдаланиладиган материаллар 45% кўшимча қиймат қўшилган ҳолда сотилади.
1000 АҚШ долларидан ортиқроқ ҳажмдаги пейзажни ўрнатиш нархига 5% чегирма белгиланади.
Бошқалар.



### Сизнинг нарх жадвалингиз

Сизнинг нарх жадвалингиз	

**Маҳсулотларингиз нарhini белгилашда қандай услубдан фойдаланасиз (бизнесингизни бошлаганингизда ва ҳозир).**

Биз маҳсулотимизга нарх белгилашда оддий услубдан фойдаланамиз. Яъни, биз ишлаб чиқариш жараёнидаги тўғри ва қўшимча харажатларни йиғиндисига фойда олиш даражасини қўшамиз, қўшимча қиймат.

Бу элементлар нарх белгилашда бир тарафлама деб аталади. Бошқа тарафдан ёки нарх белгилашга таъсир қиладиган омиллардан бири бу рақобатчиларимизнинг нархидир. Биз бозорга рақобатчиларимизнинг нархларидан арзонроқ бўлган нархлар билан кириш стратегиясини қўллаймиз.

**Йонус Икич  
“Илиджански  
Дижамани”  
компаниясининг  
бош директори**

## Маркетинг режангизнинг SWOT таҳлиллари

Сиз ўзингизнинг бозордаги ўрнингизни тўлиқ аниқлаб олдингиз. Ўз харидорларингиз, маҳсулот ва хизматларингиз аралашмасини аниқлаб олдингиз. Турли тоифадаги харидорлар учун маҳсулот ва хизматларингизни сотиш орқали фойда олиш мақсадларингизни белгилаб олдингиз. Сиз тўртта "P"ни ҳам таҳлил қилиб чиқдингиз. Бундан ташқари ўз маҳсулот ва хизматларингизнинг кучли ва ожиз томонларини — кўплаб имконият ва таҳдидларни аниқлаб олдингиз.

Қуйида маркетинг режаларининг SWOT таҳлилларини ўрганинг ва ўзингизнинг компаниянгиз учун шу каби таҳлилларни амалга оширинг.

<b>"Garden-To-Go" компаниясининг маркетинг режаси SWOT таҳлиллари</b>	
